



## NATURAL LANDSCAPE ADJUSTMENT OF CROP STRUCTURE IN AGRICULTURE IN THE FERGANA VALLEY

Abdullayev Abdurahmon Abdurayimjon o'g'li<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Fergana State University, Master of Geography (subject of study)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898916>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> May 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> May 2021

Online: 30<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

*Londs for irrigation water resurses water of under land, mineral waters, benefitial agriculture.*

### ABSTRACT

*This article considers the issues of adaptation of crop structure to the natural-landscape conditions in agriculture of the Fergana Valley.*

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКИНЛАР СТРУКТУРАСИНИ ТАБИЙ-ЛАНДШАФТ ШАРОТИГА МОСЛИГИ

Абдуллаев Абдурахмон Абдурайимжон ўғли<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Фарғона давлат университети, география (ўрганиш объекти бўйича) йўналиши магистранти

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

*суғориладиган ҳудудлари, сув ресурслари, ер усти сувлари, минерал сувлар, обикор деҳқончилик.*

### ANNOTATSIYA


*Ушбу мақолада Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида экинлар структурасини табиий-ландшафт шаротига мослиги масалалари кўриб чиқилган.*

Фарғона водийсида ландшафт тузилишининг хусусиятлари, гидрологик ва иқлим шароитлари, шунингдек иқтисодий ва сиёсий омиллар (нарх, хомашё, давлат буюртмаси) минтақалар бўйича экинлар таркибида фарқларни келтириб чиқарди. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари қишлоқ хўжалиги учун энг қулай водийнинг марказий қисмда

ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар асосан кенг тарқалган ҳудуда жойлашган. Фарғона водийси сув ресурслари талабнинг фарқланиши экинларни маъмурий жиҳатдан нотекис тақсимлашга олиб келган. Фарғона водийси Ўзбекистонда пахта экинларининг устунлиги билан ажралиб (ўртача экин майдонларининг 40 фоизи) туради. Бунинг асосий сабаби

суғориладиган (1 расим ) ерларни [2] кўблиги.

1-расим.



Қирғизистоннинг Ўш ва Жалалобод вилоятлари Фарғона водийси дрифт конусларининг ясси пролувиал-аллювиал текисликлари манзаралари тоғолди водийлари, тоғлараро аллювиал-пролувиал текисликлар, шунингдек енгил ва типик кулранг тупроқли паст тоғларнинг ландшафтли ерлари жой-лашган. Қишлоқ хўжалиги ерларида пахта муҳим экин майдонларининг чорак қисмига экилади, тоғ этаклари тамаки ва мойли экинлар билан банд (тахминан 1/3), суғориш тезлиги ҳам юқори. Тожикистонда курғоқчил ландшафтлар мавжуд бўлиб шимоли-шарқдаги тоғ олди пролувиал текисликлари ва ўтлоқ ва дашт конусларининг ландшафтлар тарқалган, жануби-шарқий экин таркибининг ўтлоқ-ботқоқ тупроқлари диверсификацияланган: пахта майдоннинг 1/3 қисмини эгаллайди, ғалла экинлар - 1/4, қолган қисми боғлар, узумзорлар, эм-хашак экинлари ва мой ўсимликлари билан қопланган. Фарғона водийси бўйлаб суғориш учун мўлжалланган сувнинг 2/3 ҳажмини Андижон, Наманган ва Фарғона

вилоятларида истеъмол қилинади. Шу сабабли суғориш учун мўлжалланган ерлар(1 миллион гектардан ортиқ)га пахта эклади. [2]

80-йилларнинг ўрталарида пахта саноатининг ривожланиши билан кескин тус олган пахта якка ҳоқимлиги 12000 млн. м<sup>3</sup> дала суғориш эҳтиёжларини қоплаш учун сарфланган сув миқдори вегетация даврида дренаж чегарасидан ошиб кетади. Айнан шу даврда энг кўп иккиламчи шўрланиш жараёнлари водийнинг марказий пасттекисликларини эгаллаган Ўзбекистон вилоятларида 50% ерлар шўрди (1-жадвал).

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси маълумотларига кўра, Фарғона вилоятида суғориладиган ерларнинг шўрлашув даражаси салбий томонга ўзгармоқда. Масалан, агар 1990 йилда кучсиз шўрланган ерлар суғориладиган ерларнинг 10,8 фоизини, ўртача шўрланган ерлар 2,8 фоизини, кучли шўрланган ерлар 0,91 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткичлар мос равишда 36,5 фоиз, 22,8



фоиз, 14,5 фоизга кўпайган [1]. Худди шундай салбий ҳолатни Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам кузатиш мумкин.[2].

1-жадвал

1987-1992 ва 2007-2015 йилларда суғорилган майдонларнинг шўрланганлик даражаси, минг га [ 3, 4, 72-75-б.]

Вилоятлар	Йил	Суғорилган майдон	Шўрланмаган майдон	Шўрланган майдон	Кучсиз	Ўртача	Кучли
Андижон.	1987	265,6	203,8	61,8	39,6	13,9	8,3
	1992	225,9	156,7	69,2	41,4	22,9	4,9
	2007	273,2	258,3	14,9	10,2	4,7	-
	2015	265,9	258,3	7,6	3,2	4,4	-
Наманган.	1987	250,5	263,5	14,0	9,8	4,0	0,2
	1992	208,2	176,2	32,1	9,2	9,7	13,2
	2007	282,6	256,1	26,5	17,4	8,1	1,0
	2015	282,3	258,9	23,4	16,5	6,2	0,7
Фарғона	1987	359,9	323,2	36,7	33,2	3,1	0,4
	1992	313,9	292,3	21,6	19,4	1,6	0,6
	2007	359,8	185,6	174,2	126,2	40,2	7,8
	2015	362,7	237,5	125,2	102,5	20,8	1,9

Шўрлашган ерлар улардан кишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун, шўр ювишга сарфланадиган сув миқдорининг катталиги сабабли, шўрлашмаган ерларга нисбатан 1,5-2 марта кўпроқ сув сарфлашни талаб қилади. Шўр ювишга умумий сув истеъмолининг 25% и атрофида сарфланади. Тупроқ шўрлигини керакли даражагача пасайтириш учун шўр ювиш меъёри 40 минг м<sup>3</sup> гача етиши мумкин [5, 96-б].

Ер ва сувдан фойдаланишда қўлланган стратегик йўналишда худудни оқилона ташкил этиш масаласи умуман кун

тартибига қўйилмади. Экиладиган экинлар жойнинг тупроғи, сув таъминоти ва гидрогеологик ҳолатидан келиб чиқиб танламган.

Бу ҳолат йирик географ олимлардан Ақромов З.М., Рафиқов А.А., Чистобаев А.И., ва бошқалар таъкидлаганларидек Орол ва Оролбўйи муаммосининг келиб чиқишига сабаб бўлди. [1]

Кишлоқ хўжалигида экинлар структурасини табиий-ландшафт шаротига мослаш учун водийда биринчи навбатда ҳар бир ландшафт ва ер тури учун мос келувчи, экилиши лозим бўлган экинлар



турини аниқлаш лозм. Экин майдонлари таркибини белгилашда ҳар бир ҳудудда ТАИ имкониятини тавсифловчи кўрсаткичларда бир ҳисобланга ер ресурсига (суғориладиган ер, тупроқ бонитет) урғу берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг миллий ҳисоботида қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг сугориб деҳқончилик қилинадиган ерлари 5 та қишлоқ хўжалик кадастр гуруҳларига ажратилган. Улар, ўз навбатида, 10 та классларга бўлинган.

Жумладан, биринчи кадастр гуруҳи сифат ҳолати ёмон ерларни ўз ичига олиб, I-II классларга бўлинади. Ушбу ерларнинг бонитет бали 0-20 ни ташкил қилиб, улар тупроқ гумус қатламининг камлиги, унумдорлигини пастлиги билан ажралиб туради. Ушбу кадастр гуруҳи ерлари деҳқончилик учун шартли равишда яроқли деб топилган. Бу ерларнинг асосий қисми Фарғона вилоятларида жойлашган.

Иккинчи кадастр ерлари гуруҳи III-IV классларни ўз ичига олган ўртачадан паст ерлардан иборат. Бундай ерларнинг балл бонитети 21-40 га тенг. Андижон вилоятида Бўз-Ёзёвон: табиий –қишлоқ хўжалик(ТҚХ) районлари жойлашган: Улуғнор, Мингбулоқ туманлар ерлар иккиламчи шўрланиш, сув эрозиясига даражаси юқор, суғориладиган ерлар 90 %, экинлар таркибда пахта майдони 50%, донли экинлар салмоғи 38 %, Сабзавот, картошка, полиз 5.8%, ем–хашак 6.2 % ташкил этади. Бу туманлар ТАИ дан фойдаланиш (Ю. Аҳмадалиев) даражаси коэффиценти паст ҳудудларга киради. [1] Қишлоқ хўжалигида экинлар структурасини табиий-ландшафт шаротига

мослаш учун бу туманларда Пахта улушини 50 фоиздан 45 фоизгача пасайтириш, Камсувталаб донли экинлардан арпа, сули, тарик, кўнақни 5 % кўпайтириш, Сабзавот, картошка, полиз, ем–хашак экинлар ҳозирги ҳолатни сақлаб қолиш тавсия этилди.

Учинчи кадастр гуруҳи тупроқ бонитети 41-60 баллга тенг V-VI классга тегишли ўртача ерларни ўз ичига олади. Андижон вилоятида Андижон-Шаҳрихон: ТҚХ районнида жойлашган Андижон, Олтинкўл, Бўз-Ёзёвон: ТҚХ районнида жойлашган Балиқчи, Бўз, Оқбура-Аравон: Булоқбоши, Жалолқудук, Хўжаобод, Избоскан- Учқўрғон: ТҚХ районнида Избоскан, Пахтаобод туманларда суғориладиган ерлар 98 %, ТАИ дан фойдаланиш даражаси коэффиценти ўрта ҳудудларга киради. Бу туманларда пахта улушини 50 % ва донли экинлар 40 % ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш, Сабзавот, картошка, полиз, ем–хашак экинларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Наманган вилоятида Косонсой: ТҚХ районнида Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ адир оралиғи ва орти текисликларида жойлашган бу туманларда пахта камроқ экилиши мақсадга мувофиқ. Бўз-Ёзёвон: ТҚХ районнида Мингбулоқ, Чуст-Поп: ТҚХ районнида Поп, Чуст Норин-Наманган: ТҚХ районнида жойлашган Наманган туманларда пахта улушини 45 фоиздан 40 фоизгача пасайтириш, донли экинларни 40 фоиздан 35 фоизгача пасайтириш, Сабзавот, полиз, ем–хашак экинларни кўпайтириш тавсия этилди. Фарғона вилоятида Қува-Фарғона: ТҚХ районнида жойлашган Қувасойда пахта улушини 0 %, Қува 50 %, Фарғона 36.4 %, Бўз-Ёзёвон: ТҚХ районнида Ёзёвон 51 %, Сўх: ТҚХ районнида Ўзбекистон 40% туманларда ҳозирги ҳолатда сақлаб



қолиш, донли экинларни 5 фоизгача пасайтириш, Сабзавот, картошка, полиз, ем-хашак экинларни кўпайтириш тавсия этилди. Кўкон: ТҚХ районнида Бешариқ, Боғдод, Бувайда, Данғара, Учкўприк, Фурқат, Марғилон: ТҚХ районнида Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Тошлоқ, тумаларида пахта ва донли экинларни улушини 5 фоизгача пасайтириш, Сабзавот, картошка, полиз, ем-хашак экинларни кўпайтириш тавсия этилди.

Тўртинчи кадастр гуруҳи VII-VIII класс балл бонитети 61-80 га тенг бўлган яхши ерларни ўз ичига олади; Бундай ерлар тупроқларининг маданийлашув

даражасини юқорилиги, барқарор унумдорлиги билан ажралиб туради. Андижон вилоятида Андижон-Шаҳрихон: ТҚХ районнида Асака, Шаҳрихон, Оқбура-Аравон: Қўрғонтепа, Марҳамат, Фарғона вилоятида Сўх: ТҚХ районнида Сўх Наманган вилоятида Норин-Наманган: ТҚХ районнида Норин, Тўрақўрғон, Уйчи туманларни катта қисми қадимдан суғорма деҳқончилик минтақаларида жойлашган. Ушбу гуруҳ ерларда барча қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш мақсадга мувофиқ.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Аҳмадалиев Ю.И. // Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш Тошкент. Фан, 2014.
2. Никанорова А.Д. Ландшафтно-геоэкологическое обоснование оптимизации водопользования в орошаемом земледелии Ферганской долины. Москва□-2015.
3. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан. Т.: Ўқи-тувчи, 1995. 127 с.
4. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Т.: Chinor ENK. 2008.-с.298.
5. Духовный В.А. и др. Научно – технический прогресс и мелиорация земель в Средней Азии. Т.: Мехнат, 1985. 144 с.